

Бухоро давлат университети БМТдан сайёрамизнинг наботот ва ҳайвонот олами атроф-муҳит муҳофазаси муаммолари хусусида хикоя килувчи 19 та видеокассета олди.

Университет атроф-муҳит муҳофазаси бўйича кўплаб илмий тадқиқотларнинг муаллифи ҳисобланади. Эндиликда ўқув даргоҳида экология кафедраси очилиб, унда 15 нафар талаба эколог ихтисоси бўйича тайёрланапти. БМТ ўз совфасини айнан шу талабаларга жўнатди.




ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ
2001 йил 28 декабр, жума № 203 (1216)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА
ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИ РАҲБАРЛАРИНИНГ УЧРАШУВИ



га келган долзарб муаммолар юзасидан фикрлашган, йиғилиб қолган иқтисодий, ижтимоий, маданий соҳаларга оид масалаларни ҳал қилган эди.

Бу галги Тошкент саммити ҳам, таъкидланганидек, Ўзбекистон ташаббуси билан уюштирилди. Ундан кўзланган мақсад икки ва кўп томонлама алоқалар кўламини янада кенгайтириш йўллари излаш билан бирга, 11 сентябр воқеаларидан кейин дунёда юз бераётган ўзгаришларни, бу ўзгаришларнинг минтақамизга кўрсатиши мумкин бўлган таъсирини таҳлил этиш, тегишли хулосалар чиқариш, ўзаро фойдали қарорлар қабул қилишдан иборатдир.

Тўрт мамлакат давлат раҳбарларининг Дўрмон учрашувида кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш, минтақавий барқарорлик ва хавфсизликни таъминлаш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

28 декабр кuni президентлар музокараларни давом эттиради.

(ЎЗА).


Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг таклифига биноан, 27 декабр кuni мамлакатимизга Козогистон Президенти Нурсултон Назарбоев, Киргизистон Президенти Аскар Акаев ва Тожикистон Президенти Имомали Раҳмонов ташриф буурди.

Сўнгги вақтларда Марказий Осиё дунё ҳамжамиятининг диққат марказига айланиб қолгани сир эмас. Қўшни Афғонистондаги воқеалар дунё давлатлари диққат-этиборини минтақамизга тортди. Террор, наркотизм, экстремиз-

мининг уясига айланиб қолган Афғонистон бугун бу иллатлардан холи мамлакатга айланмоқда. Бу жараёнда Ўзбекистон раҳбари юритган оқилона сиёсатнинг муҳимлиги Марказий Осиёгина эмас, дунё хавфсизлиги нуқтаи назаридан

ҳам халқаро майдонда юқори баҳоланмоқда. Тошкент ҳамиша тинчлик, дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлашга хизмат қиладиган долзарб учрашувлар мезбони бўлиб келган. Айни пайтда Ўзбекистон Марказий Осиёда тинчлик ва тараққиёт йўлидаги саъй-ҳаракатларни белгилашда ўзига хос марказга айланиб қолди. Илгари ҳам тўрт мамлакат президентлари Тошкентда учра-

ҚАРДОШЛИК RIШТАЛАРИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА



27 декабр кuni Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмонов икки кунлик расмий ташриф билан мамлакатимизга келди.

Дўрмон қароргоҳида Тожикистон Президентининг расмий кутиб олиш маросими бўлди. Фахрий қоровул саф тортиб, икки мамлакатнинг давлат мадҳиялари янгради.

Қароргоҳда Ўзбекистон ва Тожикистон Президентларининг тор доирадаги учрашуви бўлиб ўтди. Сўхбат чоғида икки мамлакат ўртасида сиёсий, савдо-иқтисодий, гуманитар ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда халқаро ва минтақавий муаммолар билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Тарихи, дини, урф-одатлари, миллий қадриятлари муштарак бўлган икки қардош халқнинг мамлакатларимиз истиклолга эришганидан кейин қардошлиқ ришталари янада мустаҳкамланмоқда. Давлатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг Тожикистонга буюрган ташрифлари ва ўз навбатида Тожикистон Президентининг юртимизда бир неча бор меҳмон бўлгани, қолаверса, 2000 йилнинг июн ойида икки мамлакат ўртасида имрозоланган Абдийиддин Абдиддин тўғрисидаги шартнома бунинг далилидир. Имомали Раҳмоновнинг юртимизга бу галги ташрифи ҳам яқин кўшничилик, дўстлик ва турли жабҳалардаги шерикчилигини янада мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этади.

Президентларнинг дўстона мулоқоти чоғида асосий эътибор давлатларимиз ўртасидаги алоқаларни ўзаро манфаатли асосда ҳар томонлама ривож топтириш, хусусан, савдо, иқтисодий бораидаги давлат чегараларини делимитация қилиш, транспорт коммуникацияси, сув-энергетика, фан, маданият, таълим, ахборот соҳаларида ҳамкорликни янада кенгайтириш масалаларига қаратилди. Шунингдек, Афғонистонда кечаётган ўзгаришлар, минтақавий хавфсизлик, халқаро терроризм билан боғлиқ масалалар батафсил муҳокама қилинди. Таъкидландики, давлатларимиз хавфсизлиги, чегаралар дахлсизлигини таъминлашда икки томон ҳам фаол бўлмоғи керак ва бу борада ўзаро ҳамда бир-бирига қўллаб-қувватлаш зарур.

Албатта, ҳозирги кунда икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқалар имкониятлар даражасида эмас. Жорий йилнинг дастлабки тўққиз ойида ўзаро товар айирбошлаш ҳажми атиги 80 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Бироқ, бир томондан бу ҳолни минтақада юзага келган сиёсий вазиятдан келиб чиққан ҳолда баҳоланиши керак. Айтиш жоизки, қўшни афғон тупроғида террор ўчоқ-

марали ҳамкорлик айни пайтда муҳим вазифа саналади.

Шу боис Дўрмонда ўтган музокараларда Президентларнинг икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш бўйича ҳукуматлараро қўша комиссия тўзиш, яқин вақт ичида унинг биринчи мажлисини ўтказиш тўғрисидаги қарори айни муддао бўлди. Шунингдек, транспорт коммуникацияси, хусусан, автомобиль, темир йўл, ҳаво алоқаларини кенг йўлга қўйиш, сув ҳавзалари, сув-энергетика заҳиралари ва сув ҳўжалиги қурилмаларидан бирига қилинган фойдаланиш зарурлиги таъкидланди.

Ўзбекистон томонининг таклифига биноан, икки мамлакатда телевидение дастурларининг ўзаро намойишини йўлга қўйиш ҳақида ҳам келишиб олинди.

Музокаралар якунида Президентларнинг Қўша баёноти қабул қилинди.

Шундан сўнг оммавий ахборот воситалари вакиллари учун матбуот анжумани ўтказилди. Унда музокаралар натижалари, икки томонлама алоқалар, минтақавий хавфсизлик масалалари хусусида гап борди.

(ЎЗА).

Адлия вазирлигида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Ислохотлар ва инвестициялар бўйича идоралараро мувофиқлаштирувчи кенгаши қонунчилик ва ҳуқуқий-норматив базани такомиллаштириш комиссиясининг жорий йилдаги фаолиятига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Уни Адлия вазирлиги, мазкур комиссия раиси А.Полвонзода бошқарди.

КОМИССИЯ ЙИГИЛИШИ

Мазкур комиссия котиби, Адлия вазирлиги бошқарма бошлиғи Е.Каньязовнинг ахборотида ўтган йил мобайнида комиссия томонидан бозор иқтисодиёти ислохотларининг ҳуқуқий-норматив базасини такомиллаштириш билан боғлиқ долзарб масалаларга оид эътибор қаратилгани таъкидланди. Йиғилишда мамлакатимиз ҳудудида хорижий судлар ҳукмларининг ижроси, юридик шахсларни рўйхатга олиш қонунчилигини такомиллаштириш, чет эл сармоясига бериладиган кафолат ва имтиёзлар билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди.

(ЎЗА).

ЎЗБЕКИСТОН - ЮНЕСКО СОВРИНИ СОҲИБИ

ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий комиссияси БМТ Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилотининг «Тинчлик устуни» соврини билан тақдирланди.

2000 йилни ЮНЕСКО «Тинчлик маданияти йили», деб эълон қилган эди. Худди шу йили унинг Бирлашган мактаблар тармоғи дастури доирасида илк бора таъсис этилган ушбу биллур соврин тинчликка йўналтирилган таълим соҳасида амалга оширилган эзгу ишлар учун берилди.

Шунингдек, юртимизда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг муваффақиятли амалга оширилиши ҳам ушбу соврин мамлакатимизга топширилишига муҳим асос бўлди. Зеро, бу дастур дунёда «таълимнинг ўзбек модели» сифатида эътироф этилмоқда.

Мазкур совринга ЮНЕСКОга аъзо 190 давлат орасида айнан мамлакатимиз сазовор бўлгани бежиз эмас. ЮНЕСКО Бош директори Коичиро Мацуура номидан келган мактубда шундай дейлади: «Биз Ўзбекистонда таълим соҳасида қилинган ишларнинг сифати юқорилигини, нафақат ўқитувчи ва ўқувчиларнинг, балки бутун жамиятнинг тинчлик йўлида таълимга йўналтирилган ялли сафарбарлигини ҳисобга олиб ва бундай сиёсат дунёда тинчлик, барқарорликни янада мустаҳкамлашга ишонч билдириб, «Тинчлик устуни» совринини ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий комиссиясига топширишни лозим деб топдик».

Дарҳақиқат, ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий комиссияси ўтган давр мобайнида ёшлар ўртасида тинчлик, бағрикенглик гоғларини тарғиб этиш бораида кўплаб хайрли ишларни бажарди. Хусусан, юртимизда ҳар йили Халқаро ёшлар лагери ташкил этилиб, унда Марказий Осиё давлатлари, АҚШ, Германия, Япониядан ҳам йигит-қизлар қатнашади. Улар ўзаро дўстлашади ва тинчликни мустаҳкамлашга оид давра сўхбатлари, мунозараларда иштирок этади. Шунингдек, комиссия томонидан тайёрланган тинчлик, диний бағрикенглик мавзусини қамраб олувчи талайгина нашрлар, CD-ROM ва мультимедиа дисклари, аксарият таълим муассасаларимиздаги тарих, ҳуқуқшунослик, «Одобнома», «Миллий истиқлол ва маънавият асослари» каби фанларда унумли фойдаланилмоқда.

ЮНЕСКОнинг Бирлашган мактаблар дастурига аъзо илм муассасаларимиз эса кўплаб халқаро ташкилотларнинг мутахассислари томонидан кўллаб-қувватланмоқда. Зеро, бу ўқув даргоҳларида 1999 йилдан бошлаб жамоат таълим марказларининг ташкил этилиши ва уларнинг тинчлик, бағрикенгликни тарғиб этиш, умуминсоний қадриятларни кадрлашга оид фаолиятига юқори баҳо берилмоқда.

Назозат УСМОНОВА,
ЎЗА муҳбири.

Урганчада кўл жанги бўйича ўтказилган бешинчи халқаро беллашувда бухоролик спортчилар ажойиб ғалабани кўлга киритди. 80 ва 85 килограмм вазн тоифасидаги полвонлар мусобақасида Озод Бешимов ва Сиддиқ Назаровлар чемпион бўлиди.

БЕШИНЧИ ХАЛҚАРО БЕЛЛАШУВ

56, 60 ва 75 килограмм вазнда ўтказилган баҳсларда иккинчи ва учинчи ўринлар ҳам бухоролик спортчилар Жасур Ҳайдаров, Ўткир Эгамов ва Файзулла Насруллаевларга насиб этди. Бухоролик спортчилар жамоа ҳисобида кўп очко жамғариб мусобақа ғолиби бўлишди.

НУРОНИЙ ҲИММАТИ

Шундай инсонлар борки, «Бугун қандай савоб ишлар қилсам, одамлар кўнглини қандай топсам экан», деб яшайди. Фаллаороллик Аликул ота шундай савобатдор инсонлардан бири. У кўкбулоқликларнинг қўйларини боқиб 40 йил чўпончи қилган. Яқинда қишлоқ оралаб ўтган йўлларни таъмирлаб, сел сувларининг эркин оқиб ўтиши учун ўз шахсий жамғармаси ҳисобидан бир нечта кўприк қуриб берди.

Шунингдек, у 100 минг сўм сарфлаб «Фаллаорол-Кўйтош» йўналишидаги Ҳовуз-булоқ қишлоқ аҳолиси учун янги автобекат қуриб, туҳфа этди. Ҳамқишлоқлари Аликул ота ҳаж савобини олди дейишмоқда.

А.ЭРҒАШЕВ.

«Ишонч»га жавоб берадилар КАМЧИЛИКЛАР ТУГАТИЛДИ

Газетамизнинг шу йил 15 декабр сонида «Ваъдалар кўп, ишлар-чи?» сарлавҳаси остида босилган мақолада Нишон тумани Бизнес мактабида иситиш тармоғи ёнган хавфсизлиги талабларига мослаб қурилмагани сабабли 275 нафар ўқувчи қишлоқ дийдираб ўтказиб қолгани, ўқув юртини ўтган йили битириб кетган бир неча нафар талаба ханузгача стипендияларини олмагани каби камчиликлар каламга олинган.

Кўйида газетанинг ана шу чиқариш юзасидан тахририятимизга йўлланган жавоб хати мазмунини билан танишасиз:

Мақола Бизнес мактаби жамоасининг умумий йиғилишида тегишли мутасадди ташкилотлар масъул ходимлари иштирокида атрофлича муҳокама қилинди ва унда кўрсатиб ўтилган далиллар тўла тасдиқланди. Йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш мақсадида

қўйган Бизнес мактаби директори Ж.Муродов, бош ҳисобчи Ж.Шойимовга нисбатан тегишли чора кўрилди. Ҳазиначи У.Дийровга иш ҳақининг 20 фоизи миқдорида жарима солинди.

Ш.РАҲАБОВ,
Нишон тумани
хокими ўринбосари.

ЭЛЕКТРОН ПОЧТА ОРҚАЛИ

Пойтахтимиздаги «Турон» кутубхонасига Очик жамият институтининг «Кўмак» жамгармаси билан «Устоз» жамгармаси грантлари асосида беш мингдан ортиқ газета-журналнинг электрон нусхаси топширилди. Кутубхонага шу хонага ўзбекистон-вақтгача янгилик ва маълумотларни CD-ROM дискларда олиб келинади. Эндиликда эса зарур ахборотлар электрон почта орқали олинади. Шунингдек, кутуб-

(ЎЗА).

Янги масаллар

Ямин ҚУРБОН

ЛИФТ БИЛАН ОСТОНА

«Мардумни юқори кўтарувчи ким? Мен! Мени дегайлар: қудрати азим! Мен, мен, мен, кўйиши биланоқ қадам, ўтмай зум тубанга туширгувчи ҳам!» Остона ёв қараш қилди-да Лифтга, Чапани йигитдек гап учирди тикка: «Сал паст туш, осмонлаб кетдинг-ку жуда; Осмонлаб кетдинг-ку бамисли турна! Одамлар, билиб қўй, ҳақни олгин тан, Сенсиз ҳам юқори кўтарилишган. Тушишган, чиқишган сенсиз ҳам ҳар дам. Ўзингни кўп ҳам, вей, фаҳм этма тамтам! Ишдасан, ишлайсан етганча кучинг. Қилаётган ишинг, бил — вазифанг, бурчинг!»

КЎПОРИЛГАН АНЖИР

Бўронга айланди кутуриб шамол, Ер ўпди дарахтлар мисли мажнунтол. Синди қоқ белидан нечаси қарс-қарс, Қарсиллов зарбидан уйлар кетди дарс. Кўпорилди, денг, ў-ў, азим тун Анжир, Бульдозер тортиданк беглибиз занжир. Эҳ, — деди чайқалиб, чекиб у афсус. — Умрим боғига, эҳ, бевақт тушди куз. Тагим-томирларим бўлганда теран, Бўлганда киройи томири эман, (Не ажаб йиғласа ҳолимга маймун) Кўнмасди бошимга бундай оғир кун.

ХУСУСИЙ БОҒЧА ТАҚДИМОТИ

Пойтахтимизнинг Миробод туманида «Олтин қанот» хусусий боғчасининг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Тақдимот маросимида боғча таълим тизимида рақобат муҳитини яратиш, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ болаларни тарбиялаш ва ҳар томонлама камол топтириш учун кулай шарт-шароит яратиш алоҳида аҳамият касб этаётгани таъкидланди. Шу мақсадда 1999 йили Базирилар Маҳкамасининг «Давлатга қарашли бўлмаган мактабгача болалар муассасалари тармоғини ташкил этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинган эди. «Олтин қанот» ана шу қарор ижроси самараси ўлароқ ташкил этилди. Айтиш жоизки, у Юнусобод туманидаги «Дўмбоқча» хусу-

сий боғчасидан кейинги иккинчи ана шундай муассасадир. Бу турдаги боғчада ўзига хос жиҳати шундаки, унда махсус аттестациядан ўтган педагог-тарбиячилар ҳар бир бола билан ақла тартибда шуғулланади. Тарбиявий жараён «Мактабгача таълим ёшидаги болалар таълим-тарбиясига қўйилган давлат талаблари» асосида олиб борилади. Шунингдек, боғчада инглиз тили, жисмоний тарбия йўналишидаги турли тўғарақлар фаолият кўрсатади.

(ЎЗА).

Бугуннинг гапи

Халқ қахрамони Махмуд Торобийнинг номи юртдошларимизга яхши маълум. У мўғул истибодига қарши биринчилардан бўлиб қўлга қурол олиб, озодлик курашига бошчилик қилган жасур мард ўғлонлардан бири саналади.

ТОРОБ ҚАЛЪАГА

эътибор зарур

Айни кунда Бухорода, аниқроғи, қахрамон таваллуд топган Жондор туманида Махмуд Торобий номи абадийлаштириш, ул зотга алоҳида эҳтиром кўрсатиш юзасидан бир мунча тадбирлар амалга оширилди. Туман марказига кираверишда савлат тўкиб турган қахрамон ҳайкали туманга қадам ранжида қилган ҳар бир киши диққатини ўзига тартади. Беҳтиёр, қалбан у билан сўзлашгандек бўласиз. Хибл ўтмай, дилингиздаги кечинмалар тилингизга кўчади. Халқ қахрамонининг

юбилейи ўтказиш хусусида туман, вилоят, ҳаттоки республика газеталарида қатор мақолалар эълон қилинди. Бироқ, минг

Шундай экан, бундай табарруқ қадамжоларни обод этиш, қалъага қайта жон бағишлаш кечиктириб бўлмайдиган вазифалардандир. Тарихий қадамжолар, обидалар, зиёратгоҳларни кўриш мақсадида ҳар йили Бухоро Шарифга минглаб хорижлик меҳмонлар келишади. Уларнинг орасида Жондорга йўл олиб, қадим Тороб тепа қолдиқларини, қалъа устию атрофини кўздан кечириш истаз эмас, албатта.

Ишонамизки, Тороб қалъаси ҳам қайта «кашф» этиладиған муборак кунлар яқин. Шунда донишманд бобокалонларимиз қатори халқ қахрамони Махмуд Торобийнинг ҳам руҳи шод бўлғай. Усмон НАВРЎЗ, «Ишонч» муҳбири.



Алло, бу Қорбобомми?..

ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИ

Ватан ҳимоячилари кўни олдида мамлакатимизда ўтказилаётган оммавий-ватанпарварлик ойлиги Қорақалпоғистон Республикасида ҳам қизгин давом этмоқда. Дастурга мувофиқ аскарлар, чакриқча бўлган ёшлар, мактаб ўқувчилари иштирокида «Мардлар қўриқлайди Ватани», «Куч адолатда», «Сафдошингни ҳурмат қил», «Ҳарбий хизматчининг маънавий кифаси» мавзуларида тадбирлар ўтказилмоқда. Яқинда ҳарбий бўлимлар мактаб ҳамда лицейларнинг юқори синф ўқувчилари учун очик эшиклар кунини ўтказди. Унда ўқувчилар қўроқ-аслаҳалар, ҳарбий техникалар, аскарларнинг яшаш шароити билан танишди.

Гийёҳвандлик

«Бир зумда бозорга бориб келаман», деб уйдан чиққан кишининг бир ҳафтадан сўнг қамишзордан жасадини топиб келтиришса-я. Ё алҳазар, бундай муҳажир воқеани тасаввур этишининг ўзи қанчалик оғир. Хали ўн гулдан бири очилмаганди. Не-не орзулари бор эди. Яқинларини бўзлатиб-бўзлатиб йиғлатган Салима...

— аср вабоси

дайлардан эканлигини бу ердаги маҳалла оқсоқоллари, қўни-қўшнилари ва уларнинг яқинлари наҳотки билишмаган? Яхшиямки, ҳуқуқ-тартибот идоралари ва прокуратура

имкониятлар ва аҳоли эҳтиёжи ўрганилиб, тикиш-бичиш цехлари, хунармандчилик ва қандолатчилик кичик корхоналари ҳам барпо этилди. Айни пайтда бу жойларда асосан, ёшлар фаолият кўрсатаётти. Шунингдек, оқшомлар файзли ўтиши учун турли спорт мусобақалари, концертлар уюштирилмоқда. Шу ўринда яна бир нарсага эътиборни қаратишни истардик. У ҳам бўлса туманда мактаб ва мактабгача тарбия муассасалари фаолияти тўлиқ ўрганиб чиқилиб, туман прокуратураси томонидан улар паспортлаштирилди. Унга қўра, бу масканларда қанча тарбиячи ва ўқитувчилар бор, уларнинг ижтимоий келиб чиқиши, неча нафар бола тахсил кўраётти, юқори синф ўқувчилари бўш вақтларида қандай ишлар билан банд, мактабларнинг спорт иншоотлари ваги ахвол каби кенг қамровли масалалар чуқур таҳлил этилмоқда. Прокуратура ходимлари ҳар ҳафтада мактабларда бўлиб, ҳуқуқий мавзуларда «Очик эшиклар кунини» ўтказганда, айни шу масалалар юзасидан ўқувчилар билан мулоқотда бўлиб, муаммолар ҳамкорликда ҳал этилмоқда. Таҳлиллар шунини кўрсатмоқдаки, Бош Қомусимиз — Конституциямизда қонунан мустаҳкамлаб берилган ҳуқуқ ва бурчларини яхши билмаслик сезилиб қолмоқда.

Масаланинг бу жиҳатлари ўрганилиб, ҳозирги кунда барча маҳаллаларда «Конституция бурчаги» ташкил этилди ва мактаб, корхона, ташкилотлар қаторида маҳаллаларда ўқувлар йўлга қўйилди. Лекин бу — дастлабки қадам, холос.

Ж. НОРИМБЕТОВ, Боғот тумани прокурори, адлия катта маслаҳатчиси. Х. АБДУСАМИЕВ, журналист.

Ўқидингизми, эшитдингизми?


МИРКАМОЛ, МОҲИРА, МИРЖАМОЛ Энди инглиз мактабига боришади

Кўни кеча спорт журналистлари ўртасида ўтказилган сўров натижалари эълон қилинди. Унга қўра Ўзбекистон терма жамоаси сардори Миржалол Қосимов яқунлашаётган йилнинг энг янаи футболчиси, деган номга мушарраф бўлди. Лекин айни кунларда Бирлашган Араб Амирлигининг «Ал-Шабоб» клуби билан шартнома имзолаган Миржалол учун йил ташвишлари ниҳоясига етгани йўқ. У Дубайдаги янги уйда кадрдон меҳмонларни кўтиб олишга ҳозирланмоқда. Футболчилик оиласини ҳам кўчириб келтириш тарафдориди. Фарзандлари Миркамол, Моҳира ва Миржамол энди шу ердаги инглиз мактабига ўқишади.

БОШ МУРАББИЙ ТАЙИНЛАНДИ

Футбол муҳлислари бу хабарни қачондан бери куттишарди. Мана, ниҳоят Янги йил арафасида Футбол федерацияси Ижроия қўмитаси ғоят муҳим қарорга келди. Шу кунгача Тошкентнинг «Трактор» командасини бошқариб келётган ёш, иктидорли тренер Равшан Ҳайдаров Ўзбекистон Миллий терма жамоасига бош мураббийликка муносиб кўрилди. Бу тайинлаш аввалгиларидан бир жиҳатдан фарқ қилади. Яъни, эндиликда бош мураббийга узоқ муддат мобайнида режа асосида ишлашга имкон бериш учун беш йилга шартнома тўзилди. Дарвоқе, Равшан Ҳайдаров Германияда маляка ошириб қайтган, В.Сальков терма жамоамизга бошчилик қилганда унга ёрдамчилик ҳам қилган эди.

Кўргазма ТАБИАТ ВА РАССОМ



Ўзбекистон Бадий академияси марказий кўргазмалар залида «Экосан» халқаро экология ва саломатлик жамгармаси ташаббуси билан «Табият ва рассом» бадий кўргазмаси очилди. Ушбу кўргазма атроф муҳитни, ундаги бор мавжудотни севишга, авайлаб-асрашга чақиради. Кўргазмада 200га яқин рангтаъсир, графика, ҳайкалтарошлик асарлари намойиш этилмоқда. Экспозициядан Анвар Мирсоатов, Николай Саприкин, Рустам Худойбергенов, Эркабой Машарипов, Акмал Жамолов, Искра Шин, Азия Маматова каби эллиқдан ортиқ мўйқалам соҳибларининг асарлари ўрин эгаллаган. Уларда Орол, атроф-муҳит, экология, умуман табият ва инсон муаммолари акс эттирилган. Кўргазмада, шунингдек, ҳайкалтарош Людвиг Нестерович асарлари ҳам намойиш этилмоқда. Кўргазма 2002 йилнинг 7 январигача давом этади.

Мамлакатимиз спорти ютуқларида каратэчиларимизнинг муносиб ҳиссаси бор. Қувончлиси, ўзида спорт ва санъатнинг ажиб уйғунлигини жам этган ушбу спорт тури ўғил-қизларимизда катта қизиқиш ўйғотмоқда. Айни кунларда республикамизда кўпгина каратэ клублари, секция ва гуруҳлар муваффақият билан фаолият юритаётти.

Кўш хабар

СУРАЙЁ «ТИКО»ЛИ БЎЛДИ

Қарши шаҳрида «Хамшира-2001» кўрик-танловининг республика босқичи бўлиб ўтди. Бу йилги танловнинг олдингиларидан фарқи шунда бўлдики, амалий шартлар бевосита тиббиёт муассасаларида, бемор билан юзма-юз мулоқот жараёнида бажарилди. Қизлар тест саволлари асосида ўзларининг қай даражада назарий билимга эга эканликларини, ҳозиржавобликларини кўрсатди. Беморни қабул қилишдан то мутахассис врачга етказишгача бўлган жараёни «Шошилиқ тез тиббий ёрдам» марказида бажардилар. «Эркин мавзу» шarti бўйича эса улар ўзларининг адабиёт ва санъатга оид қобилиятларини намойиш қилдилар. Барча шартлар бўйича голиб деб топилган Қашқадарё вилоят 1-сил касалликлари диспансерининг ҳамшираси Сурайё Бекмуродова Қашқадарё вилоят ҳокимлигининг соврини — «Тико» автоматшаси билан мукофотланди ва мамлакатимиздаги тиббиёт олийгоҳларидан бирига синов имтиҳонларисиз кириш ҳуқуқини қўлга киритди.

«ҚУДРАТИМИЗ - ДЎСТЛИКДА»

Мамлакатимизда 130 дан зиёд миллат вакиллари ўзаро ҳамжиҳат, бир оила фарзандларидек аҳил ва иноқ яшаб, меҳнат қиляпти. Байналмилал маданият маркази уларнинг ўзига хос санъати ва маданиятини янада ривожлантиришда муҳим роль ўйнамоқда. Унинг таркибиде турли миллатларнинг миллий марказлари фаолият кўрсатиб, миллатларро товуллик, дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлашга хизмат қилаётти. Пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманидаги «Ватан» маҳалласида Байналмилал маданият маркази ташкил этилганнинг ўн йиллигига бағишланган йилгилиш бўлиб ўтди. Тадбирда сўзга чиққанлар юртимизда барча миллат вакиллариининг тинч ва осойишта яшашини учун ҳамма шароит яратилгани, истиқлол бахш этган бу буюк имкониятнинг қадрига етиш, Ватан равнақи йўлида меҳнат қилиш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз эканини таъкидлади.

ISHONCH МУАССИС: Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Тахрир хайъати: Эркин Воҳидов, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Махмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирфозил Олимов, Мирзохид Содиков. E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43. Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган. Босишга топшириш вақти - 21.00. Топширилди 23.00.

Маъмурият: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134. Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сotузда эркин нархда. «Шарк» нашрийт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.